

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета: «Иштирокчи» (1918 — 1920), «Кизил байроқ» (1920 — 1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.), «Кизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.), «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 148 (21. 247) 1992 йил 29 июль, chorshamba

БАҲОСИ 2 СЎМ.



## 1 СЕНТЯБРЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

### Мустақил республикаимиз ўзининг тарихий байрамига тайёргарлик кўрмоқда.

### МИЛЛИЙ ШОДИЁНАМИЗ ТАРАДДУДИ

● Республика Маданият ишлари вазирлигининг жойлардаги барча муассасалари шу кунларда мустақиллик кунига бағишлаб оммавий-маданий тадбирлар, учрашувлар, кўргазмалар ўтказмоқда. Озгачи журналлар ташкил этмоқда.

Хоразм вилоят кутубхонасида «Гул-яшна мустақил Ўзбекистон» мавзuida кўргазма очилди. Самарқандда эса вилоят кутубхонаси билан телевидение ходимлари ҳамкорлигида «Сиз Самарқандни биласизми?» мавзuida бахс-мунозара ўтказди. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги диёримизнинг миллий байрамига бағишланган тадбирлар режасини белгилаб олди.

### Ўзбекистон ва жаҳон

### ПАРИЖДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

● Франция пойтахти Парижда очилган ўзбек кулолчилик санъати намуналари кўргазмаси муваффақиятли ўтмоқда.

Самарқанддаги Республика музейида сақланаётган VIII—XIII асрларга оид кулолчилик санъатининг уч юзтадан кўпроқ нодир асари, безаклар, Афросиёб шаҳристонидан топилган қадимий рўзор буюмлари, шунингдек эски араб ёзуви битилган сопол идишларни кўргазмага келатган парижликлар қизиқиш томоша қилмоқдалар.

### БУТУН ДУНЁ БИЛАН СЎЗЛАШСА БЎЛАДИ

● Ўзбекистон пойтахтининг аҳолиси уй телефони орқали Ер қуррагининг исталган жойи билан боғланиш имкониятига эга бўлди. Бу ерда Япониянинг «Нек» фирмаси ёрдамида йўлдош алоқасининг энг янги ер усти станцияси ўрнатилди.

Шу вақтга қадар валютасиз бўлган ташкилотлар ва хусусий шахсларга чет элга чиқа олинадиган автомат телефон алоқасидан фойдалана олдилар. Акс ҳолда олдидан буюртма бериш идораси хизматига мурожаат қилишга тўғри келарди. Эндиликда бу иш анча соддалашди. Янги станциянинг ишга туширилиши хизмат ҳақига таъсир этмайд. Хусусий шахслар учун хориж билан гаплашиш имконияти ташкилотлар ва муассасаларга нисбатан икки баравар арзонга тушади. Телефон орқали, масалан, Америка ёки Африка мамлакатлари билан бир минут гаплашиш ҳақи оддий одам учун 43 сўмга, Европа мамлакатлари билан гаплашиш 22 сўмга, Австралия билан гаплашиш 50 сўмга тушади.

Ш. ЭРГАШЕВ,  
(ЎзА).

### Ёднома

### ҚАХРАМОННИ ЭСЛАБ

● ВОДИЛДА жамоатчилик ташаббуси билан уч марта Меҳнат Қахрамони, уста пахтакор Ҳамроқул Турсунқулов таваллудининг юз йиллиги нишонланди.

Йилгида Қахрамон узоқ йиллар раҳбарлик қилган Янгийўл районидagi Ҳамроқул Турсунқулов номи жамоа хўжалиги аъзоларидан бир гуруҳи қатнашди. Қўшни Тожикистон ва Қирғизистон республикаларидан ҳам меҳмонлар келишди. Отанинг яқин дўстлари, қариндошлари, фарзандлари ҳам ҳозир бўлишди. Улар ўз хотираларини ўртоқлашиб, ота туғилган ва меҳнат қилган табаррук жойларда бўлишди.

Ю. ЗНЕДОВ.



### ЕРДАМЧИ КОРХОНАЛАР

### ИЗЛАГАН

### ИМКОН ТОПАДИ

● Хонқа ноҳиясидаги «Мадир» (илгарига Карл Маркс номи) жамоа хўжалигида пахтачилик, чорвачилик, деҳқончиликнинг бошқа тармоқлари самарадорлигини ошириш билан бирга янги ишлаб чиқариш жабҳалари бунёд этишга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Натяжада қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, пировардида маҳсулот тайёрлаб чиқаришни кўпайтириш, эл хазинасига кўпроқ даромад келтириш, меҳнат ҳақини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинишини янги йўллари оchildати.

Қишлоқ тадбиркорлари ва ишбилармонлари яна бир кўлай имкониятдан фойдаланишди: жамоанинг фойдаланишидан бериладиган агрегатлар ўрнатилиб, консерва маҳсулотлари ишга чиқарадиган линияни ишга туширишди. Уни бунёд этиш учун бори-йўли 30 минг сўм сарфланди, холос. Бу маблаг эса алақачон қопланди. Бу ерда олма, ўрик мурабболари ва шарбатлари, тузланган помидор консервалари тайёрлаб чиқаришмоқда. Линиянинг қувайти йилга 500 минг шарти банк консерва маҳсулотини тайёрлаб чиқаришга мўлжалланган. Бу ерда тайёрланган маҳсулот турлари қовун ва тарвуз мурабболари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш хисобига янада кўпайтирилди. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси О. Маширапова ташаббуси билан бундан уч йил олдин асос солинган ва булик ҳосилга кирган боғ янги ёрдами тармоқнинг асосий хом ашё базаси вазирасини ўтамоқда. Бу йил ҳам хўжалик боғлари яна бир неча ўн гектарга кенгайтирилди. Бу — хўжалик консерва линиясининг янги келажакда катта даромад манбаларидан бирини айлантдиришдан ёрқин далолат беради.

Э. МАДРАХИМОВ,  
«Ўзбекистон овози» мух.  
бири.

Ҳозир дала ишлари айна қизган пайт. Пахтакор районидagi «Самарқанд» давлат хўжалигининг Анорбой Эшматов етакчилиги қилаётган эвено аъзолари ҳам ўз юмушлари билан оғир. Улар ниҳолларга ишлов бериш, озиклантириб суғориш ишларини талаб даражасида олиб боришяпти. Деҳқонлар

бу йил ҳар гектар майдондан 30 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган.

СУРАТЛАРДА: 1. Пайсал суғоришмоқда. 2. (чапдан) сувчи Абдусалд Эшматов ва эвено бошлиги Анорбой Эшматовлар.

У. ҚУШВОҚОВ олган сураатлар.

### ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

### ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

#### ТОШКЕНТ

● Тошкент вилоятида биринчи бўлиб Пискент районидagi иловчи Ўзбекистон ХДП аъзоларида партия билетларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, Халқ демократик партияси аъзолари янги партия ҳужжатларига эга бўлишни анчадан бунёд қилишга эди. Ниҳоят, эвено хўжаликлари топшириладиган ана шундай ҳажонли пайт ҳам келди. Шу баҳона партия аъзолари кўнглиларидagi галларини, фикр-мулоҳазаларини, истак ва таклифларини ифода қилдилар. Партия фаолиятини янада яхшилаш, омма билан алоқани муостаҳкамлаш, ҳозирги мураккаб шароитда партия кенгашлари ва бошланғич

ташкilotлар олдида турган вазифалар ҳақида билдирилган фикрларни кўпчилиги кувватланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби М. Қирғизбоев партия билетларини ХДП аъзоларига топширар экан, уларга муваффақиятлар тилаб, мустақил республикаимизни мустақамлаш ишига муносиб хисса қўшамакларига умид билдирди.

Партия билетларини топшириш маросими райондаги «Дўстлик», Охунбоев номи жамоа хўжаликларида, жамғарма банк, маданият бўлими ва бошқа жамоаларда бўлиб ўтди. Шунинг динқатда сазоворни, билет олган 70 нафар кишининг

ярми ёшлардан иборат. Мулоқот чоғида Пискент район партия кенгаши биринчи котиби Х. Акромов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ёзувчи М. Самадов ва бошқалар ўз дил сўзларини, фикр-мулоҳазаларини айтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби М. Қирғизбоевга Тошкент вилояти партия кенгаши котиби Ш. Жалилов ҳамроҳлик қилди. Партия ҳужжатларини топшириш маросимлари вилоятнинг бошқа район ва шаҳарларида ҳам бўлиб ўтапти.

А. МАННОПОВ,  
«Ўзбекистон овози» мух.  
бири.

#### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

● ХДП Эллиққалъа район кенгаши хўжалигини ривожлантириш, аҳолининг турмушини яхшилаш ишида фаоллик кўрсатмоқда.

Кунги кеча ХДП район кенгаши ва ҳокимият ташаббуси билан бу ерда қишлоқ хўжалик ходимларининг йилгилик бўлиб ўтди. Кенгаши иштирокчилари мева, сабабот, полив маҳсулотлари тайёрлаш, уни нобуд қилмасдан йилгитириб олиш ва тўлалгичча аҳоли дастурхонига етказиб беришнинг боришини муҳокама қилдилар.

Гўза ва шולי экинлари

парвариси таҳлил этилди. Илгирлар тажрибаси ўртоқлашилди. Мажмуд намчилари тугатин чора-тадбирлари белгиланди. Буларни амалга оширишда райондаги 50 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган 2080 нафар ХДП аъзоларининг фаол иштирокини таъминлаш зарурлиги алоҳида ўқинилди.

Кенгашида Халқ демократик партиясининг райондаги энг фаол аъзолари партия билетлари топширилди. Партия билетини биринчилар қаторида олган «Қирқизобод» жамоа хўжалиги раиси, Меҳнат Қахрамони Абдулла Олимов, Калинин номи жамоа хўжалиги раиси Қаландар Бойназаров, «Ленинград» жамоа хўжалиги бригада бошлиги Самандар Нуримов, «Ўзбекистон Компартияси» 50 йиллиги даври хўжалиги бригадаси бошлиги Шермамет Нуридбеков, «Гулистон» қишлоқ Кенгаши раиси Олимбой Раҳимов каби тажрибали иштирокчилари ХДП район кенгаши биринчи котиби Олланаар Ҳуманидов қизини муваққабод этиб, эгзу ишларида муваффақиятлар тилади.

К. РИХСИЕВ.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ I ПИЛЛИГИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКАНИНГ ИЖОДКОР ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ИМТИЕЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижодкор ва тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, моддий ва маъийий шароитларини янада яхшилаш мақсадида ва уларнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшган ҳиссасини эътиборга олиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча типлардаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйлариинг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» 1990 йил 13 ноябрда чиқарган Фармонининг қуйидаги қисмлари республиканинг ижодкор ва тиббиёт ходимларига ҳам татбиқ этилсин: — улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлари ва хоналар шахсий мулк қилиб бепул топирилсин;

— ер участкалари ва янқа тартибдаги қурилишга сотиб олиш учун бинокорлик материаллари биринчи навбатда ажрати берилсин.

Ушбу Фармон I-бандининг амал қилиши меҳнат

фаолиятининг мақур соҳаларида намида 10 йил улуқсиз иш стажига эга бўлган юқорида айтиб ўтилган тоифадаги ходимлар жумласига кирувчи нафақахўрларга ҳам татбиқ этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўббага чиқариш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор лойиҳасини тайёрласин.

3. Ушбу Фармон 1992 йилнинг 1 августидан кучга кирад.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И. КАРИМОВ.  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 28 июль.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИНИ

#### ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда жаҳон меъёрларига мувофиқ келадиган сайёҳлик тизимини вужудга келтириш, бу соҳани бошқаришнинг такомиллаштириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, собиқ Иттифоқда бўйсунувчи сайёҳлик корхоналари ва муассасалари республиканингу хуқуқий тасаруфига вазибалари ва йўналишлари этиб белгилянсин:

1. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясини кенгаши туризм ва экскурсиялар республика кенгашисининг, «Спутник» ҳалқорашлар туризми бюросининг, «Интур-Тож» қўйма корхонасининг, республика хўжалик ҳисобидagi «Сайёҳ-Интур» бирлашмасининг, собиқ СССР Давлат чет эл туризми комитети корхоналарининг шулар негизида «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзбектуризм» фаолиятининг бош вазифалари ва йўналишлари этиб белгилянсин:

туризм соҳасида республиканингу ағона сиебатини амалга ошириш;

туризмнинг хўжалик тармоқлари мажмуини ривожлантириш;

туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун хуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини ҳамда шарт-шароитларни вужудга келтириш;

сайёҳлик марказларидан оқилона фойдаланиш, хорижий сармояларни жалб этиш йўли билан замонавий сайёҳлик комплексларини барпо этиш;

экскурсиялар учун тарихий-меъморилик иншоотларини таъмирлаш;

йиринк ажабий фирмалар ва компаниялар билан биргача қўшма сайёҳлик хизматлари ва корхоналарини ташкил этиш;

жаҳон бозорига талаб қилинаётган янги сайёҳлик маршрутлари ва хизматларининг турларини татбиқ қилиш;

туризм тармоқлари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон ҳудудида иш юритувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга туризм соҳасида шуғулланиш хуқуқини берадиган сертификатларни топшириш ҳамда улар фаолиятини назорат қилиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

узининг ишлаб чиқариш ва тижорат туризмсини ташкил қилиш;

чет эллардаги ўз нақолат-хоналарни ва бюраларни орқали республиканингу туризм соҳасидagi горт катта имкониятларини реклама қилиш.

3. «Ўзбектуризм» миллий компаниясини Ўзбекистон ҳудудида туризм соҳасидagi ағона сиебатини ишлаб чиқиб, амалга оширишни таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи бош идора деб ҳисоблянсин.

Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида ушбу Фармонни рўббага чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирларни қўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И. КАРИМОВ.  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 27 июль.

### ЭНГ ЯХШИ ЙЎЛ...

● Рўзнома муштарий билан тиррик. Уқувчи ҳам газетага муштоқ. Ҳар тонг «Ўзбекистон овози»ни қўлга олиб, дунё воқеалари, янгиликлар билан танишиш одати қон-қонимизга сингиб кетган. Афсуски, ҳозир қогоз тақчиллиги туфайли газетамиз чакана савдога чиқмапти. Аҳвол ҳали-бери ўзгаради-

ганга ўхшамайди. Шу бонс «Ўзбекистон овози»ни мунтазам олиб ўқишининг энг яхши, ишончли йўли — унга 12 августдан кечикмай обуна бўлишидир.

ОБУНА НАРХИ: бир ойга—33, уч ойга—99, йилнинг охиригача эса — 132 сўм.

### БИР КУН ҚОЛДИ

● Кўҳна ва навқирон Самарқанд байрам кайфиятида. Мустақил Ўзбекистон эртага, 30 июлда шу шаҳарда ўз тарихида ilk бор республика ички ютуқлар заёмининг биринчи тиражини ўтказади.

Хўш, омадингизни синаб кўришга тайёрмисиз? Заём облигацияларини сотиб олганмисиз? Мабодо, айрим сабабларга кўра, харид қилмаган бўлсангиз, ҳали ҳам кеч эмас.

Зудлик билан Ўзбекистон Жамғарма, Деҳқончилик-саноат ва Саноатқурилиш банкларининг мусасасаларига мурожаат қилсангиз, улар хизматингизда бўлишад.

1992 йил 12 фозили ички ютуқлар заёмидан фуқаролар ҳам, давлат ҳам манфаатдор. ОБЛИГАЦИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ.







Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

VII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОЛЛАРИНИНГ ИЖРОСИ

41-модда. Фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этувчи идоралар...

42-модда. Паспортлар ва истақомат учун гувоҳнома...

идоралари ёки дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан...

43-модда. Фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижросини назорат қилиш...

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид қарорлар ижро...

си Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Фуқаролик масалалари комиссияси томонидан, шунингдек бошқа ваколатли идоралар томонидан ўз ҳуқуқлари доирасида назорат этилади.

VIII. МАНСАБОР ШАХСЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК МАСАЛАЛАРИГА ОИД НОҲАҚ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН ШИҚОЯТ ҚИЛИШ

44-модда. Мансабдор шахсларнинг фуқаролик масалаларига оид ноҳақ хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш...

ролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ва фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш тартибини бузадиган бошқа ноҳақ хатти-ҳаракатлари хусусида улар бўйсундиган юқори мансабдор шахсга ёки судга қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

IX. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

45-модда. Халқаро шартномаларнинг ўзлаштириши...

нунда баён этилгандан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1992 йил 2 июль.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ, РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХАЛҚАРО БАНКИ, РИВОЖЛАНИШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ, ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ, КЎП ТОМОНЛАМА САРМОЯ АЖРАТИШНИ КАФОЛАТЛОВЧИ АГЕНТЛИККА АЪЗОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқлиги асосида жаҳон ҳамжамияти тарихига кириши зарур эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотларига киришининг, бу ташкилотларга аъзо бўлишининг ҳамда уларнинг имкониятларидан республикани ривожлантириш учун фойдаланишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

1-МОДДА

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси номидан Халқаро валюта фонди (қуйида Фонд деб аталади), Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки (қуйида Банк деб аталади), Ривожланиш халқаро ассоциацияси (қуйида Ассоциация деб аталади), Халқаро молия корпорацияси (қуйида Корпорация деб аталади), кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентлик (қуйида Агентлик деб аталади)нинг аъзолигини қабул қилишига ва шу тартиқда Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация бошқарувчилари тегишли Кенгашлари, Агентлик бошқарувчилари Кенгашларининг Ўзбекистон Республикасининг ана шу ташкилотларга аъзолигига дахлдор бўлган резолюциялардаги муқаддатлар ва шартларни қабул қилиб, матнлари ушбу Қонуннинг I, II, III, IV ва V иловаларида келтирилган бarchа тўғрисидаги шартлар билан Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация, Конвенция, Агентликнинг битимларидаги тегишли моддаларни қабул этишига вақил қилинган.

лиққа доир ҳужжатларни ва ана шу мақсадлар учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда киритиш; Фонд Битими моддаларига тақлиф этилган Учинчи тўғрисидаги Хукумат номидан имзоланган ваколати берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ёки у таъинлаган шахс Ўзбекистон Республикаси номидан матни ушбу Қонуннинг VII иловасида келтирилган Давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги сармояга доир низоларни тартибга солиш тўғрисидаги Конвенциянинг (қуйида СНТСХМ Конвенцияси деб аталади) асл нусхасини имзолашга, Фонд аъзолигига доир ҳужжатларни ва ана шу мақсадлар учун зарур бўлиб қолгани мумкин бўлган бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда киритишга ҳақлидир.

3-МОДДА
Фондга аъзо бўлиб киришгандан кейин Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси номидан ўзлаштиришни махсус ҳуқуқлари бўлмаган; Ўзбекистон Республикаси ушбу қонунга мувофиқ фонднинг маъмурият бўлими иштирокисининг бarchа мажбуриятларини зиммага олади, дейилган ва Ўзбекистон Республикаси ўзлаштиришни махсус ҳуқуқлари бўлими иштирокисининг бarchа мажбуриятларини ижросида юридик мақом берилган учун бarchа қоратдибир кўрганининг тасдиқловчи ҳужжатини расмийлаштириш ва киритишга вақил қилинган.

4-МОДДА
Ўзбекистон Республикаси Президентини ёки Президент таъинлаши мумкин бўлган бошқа шахс:
Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация, Конвенция, Агентлик муассасалари битимлари моддаларининг асл нусхасини имзолаш, Фондга аъзо...

дор бўлган резолюциялардаги шартлар ҳамда муқаддатлар ва Битим ёки Конвенция моддаларига мувофиқ равишда Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация ва Агентликка тўла-пўла лозим бўлган сўбларни қарз олиш ёхуд тегишли кўл билан сотиб олиш ҳамда тўлаш, шунингдек Фонднинг махсус ҳуқуқларини ўзлаштириш бўлимида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши билан боғлиқ тўловларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги юқорида кўрсатиб ўтилган тўловларни тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг манбалар билан таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк, Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация ва Конвенциянинг тегишли моддаларига ва Агентлик белгилайдиган моддаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация ёки Агентлик аъзолиги учун зарур бўлиб қолгани мумкин бўлган ёки аъзолигига мувофиқ равишда ҳар қандай ўзга қўлга ўтказилмайдиган фозисиз векселлар харид қилишига ҳақлидир.

5-МОДДА
Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк, Ассоциация, Корпорация ва Банк Битими 2-бўлимининг III моддасида назарда тутилган молия муассасаси сифатида амал қилган ҳамда Фонд Битими ва Банк Битими моддаларининг қондаларида назарда тутилган бarchа операциялар ва битимларини Ўзбекистон Республикаси номидан амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

6-МОДДА
Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк, Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация ва Банк Битими 1-бўлимининг V моддасида ва Банк Битими 2-бўлимининг III моддасида назарда тутилган молия муассасаси сифатида амал қилган ҳамда Фонд Битими ва Банк Битими моддаларининг қондаларида назарда тутилган бarchа операциялар ва битимларини Ўзбекистон Республикаси номидан амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

7-МОДДА
Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк, Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация ва Банк Битими 1-бўлимининг V моддасида ва Банк Битими 2-бўлимининг III моддасида назарда тутилган молия муассасаси сифатида амал қилган ҳамда Фонд Битими ва Банк Битими моддаларининг қондаларида назарда тутилган бarchа операциялар ва битимларини Ўзбекистон Республикаси номидан амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

8-МОДДА
Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация, Конвенция, Агентликнинг битимлари, шунингдек кучга кирган уларга доир тузилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бarchа юридик шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

9-МОДДА
Заруратга қараб, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ўзбекистон Республикасининг Битимлари ва Конвенция моддаларида, Агентлик томонидан ва ушбу Қонуннинг 1-моддасида санаб ўтилган резолюцияларда назарда тутилган мажбуриятларни бarchа шартлар билан амалга ошириш учун Фармонлар ва бошқа норматив ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1992 йил 24 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.
2. Ушбу Қонун у кучга кирганидан кейин юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирилганига қадар ушбу Қонунга эид бўлмаган амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилаверад.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин; ушбу Қонунга эид бўлган идоравий норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилишини ва бекор қилинишини таъминласин;
Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ва туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳақидаги низоларни тасдиқласин;
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар беришга доир 5- ва 42-моддаларнинг босқичма-босқич жорий этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЯҲЛОШЕВ. Тошкент шаҳри, 1992 йил 2 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ, РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХАЛҚАРО БАНКИ, РИВОЖЛАНИШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ, ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ, КЎП ТОМОНЛАМА САРМОЯ АЖРАТИШНИ КАФОЛАТЛОВЧИ АГЕНТЛИГИНИНГ АЪЗОСИ ЭКАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи Агентлигининг аъзоси эканлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки билан ҳамкорликда:

икки ойлик муддат ичда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуниларини ўзгартириш ва ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақлифлар киритсин;
ушбу Қонунга эид келувчи ҳукумат ва тармоқ норматив ҳужжатлари қайта кўриб чиқилишини ва бекор қилинишини таъминласин.
Ўзбекистон Республикасининг Раиси Ш. ЯҲЛОШЕВ. Тошкент шаҳри, 1992 йил 24 июль.

Янгиликни шарҳлаймиз

«САДАФ» — ҚАМРОВЛИ УЮШМА

Мустақил Ўзбекистон ёшларининг билим ва ижодий камолотини ўстиришда ёрдамлашадиган, тадбиркорлигини шакллантирадиган янги уюшма тузилди. Адлия вазирлигида мустақил ишлайдиган ташкилий ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказилди. Тошкент педиатрия институтининг Ойбек АЗИМОВ уюшма президенти этиб тайинланди. У муҳбиримиз билан янги уюшманинг вазифалари ва мақсади ҳақида суҳбатлашди.

Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Малайзия каби мамлакатларга қилган дўстлик сафари самарали бўлди. Демак, уюшманинг келгусидаги алоқалари ҳам ана шу йўлда самарали бўлиши керак.
— «Садаф» номини олган бу уюшма ўз фаолиятини ёшлар орасида қандай тартибда ўтказишига?
— Бунинг учун биз ҳозирда «Садаф» деган янги беанли журнал лойиҳасини ишлаб чиқяпмиз. У келгуси йилдан бошлаб чоп этилиши керак.
— Сизни Туркияга тақлиф этишган экан. Бу сафарда қандай тўтиланган мақсад қандай?
— Мен қардош мамлакатнинг жамоат ва ёшлар ташкилотлари хизмати билан Ўзбекистон ёшлари учун ташкил этилаётган маркетинг, иқтисодчилик қисқа курсида ўқиш учун у ерга бормоқчиман. Иккинчи ой давомида Туркияда оладиган билимин уюшма фаолиятида жуда ҳам қўл келадиган деб ўйлайман.

А. ҲОЖИҚАБАРОВ.

БАРСЕЛОНА ОЛИМПИАДАСИДА

ПУЛ ВА ОЛТИН


ИСПАНИЯДА бошланган XXV олимпиада олтин кундан бери олдимида. Бу йилги олимпиада мурасири бахсларга айланмоқда. Бонси, олимпиада ташкилотчилари чемпионларга бериладиган медалларини соф олтиндан тайёрлашган. Кумуш ва бронза медаллари ҳам айни металлдан ясалган. МДХ бирлашган терма жамоаси вакиллари ҳам голиблик супасини астойдил кўзлашмоқда. Эркин усулда сузиш бўйича 200 метрли масофани 1 минут 46,7 секундда босиб ўтган Е. Садовий олимпиада чемпиони бўлди. Мерганлардан К. Лукашин билан М. Логвиненколар ҳам олтин медалларни қўлга киритишди. Голибларга 3 минг доллардан мукофот пули бериш кўзда тутилган.

АЙБНОМА СУРАТЛАР

МУЗЕЙ БОЙЛИКЛАРИ ХАВФ ОСТИДА

Тошкентдаги республика давлат санъат музейида турли давр ва услубга мансуб 400 мингдан зиёд асар жамланган. Унинг экспозиция залларига Ўзбекистон халқ усталарининг ноёб ижоди маҳсуллари, ҳозирги давр рас-

сомлари ва ҳайкалтарошларнинг ишлари қўйилган. Аммо республика миллий маданиятининг бу ҳазинасига ҳозир бошидан оғир пайтнинг кечирмоқда. Жумҳуриятимизнинг ҳақиқий миллий бойлиги бўлган музей фондидан санъат асарлари хавф остида турибди.




Женевадан олинган хабар

ХАЛҚАРО ИТТИФОҚҚА КИРИШДИ

Арманистон билан Ўзбекистон БМТнинг ҳукуматларо иxtисослаштирилган муассасаси — Халқаро электр алоқа иттифоқи (ЭҲИ)га кирди.
Халқаро электр алоқа иттифоқининг бу ерда матбуот учун тўғри қилинган хабарда ана шу республикалардан ташкилот бош котиби номига 30 июль ва 10 июлда ариза берилган.

Харорат ва намликнинг бундай кескин ўзгариш туриши бетакрор суратлар, нақшлар, ҳайкаллар ҳолатига жиддий таъсир қилмоқда. Иккинчи сурат фикримизни исботлаши мумкин. Сиз унда бухоролик усталарнинг XVIII асрда ганчдан ишлаган нақшлари қандай аянчли ахволга тушиб қолганини кўриб турибсиз.



Харорат ва намликнинг бундай кескин ўзгариш туриши бетакрор суратлар, нақшлар, ҳайкаллар ҳолатига жиддий таъсир қилмоқда. Иккинчи сурат фикримизни исботлаши мумкин. Сиз унда бухоролик усталарнинг XVIII асрда ганчдан ишлаган нақшлари қандай аянчли ахволга тушиб қолганини кўриб турибсиз.
Ҳа, ўрта Осиёдаги бу йилги музей реконструкцияга муҳтож. Бу борада таллов асосида ишлаб чиқарилган лойиҳа маъжуд. Унда кўпгина экспозиция залларини бунёд этиш, янги ҳазинагоҳ қуриш кўзда тутилган. Улар истифода режалари. Ҳозирча аса...
Бинони зудлик билан бошдан-оёқ таъмирлаш керак, — дейди музей директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Д. С. Руздобеов чунқур ўх тортиб (биринчи сурат) — 1988 йилда жумҳурият Вазирлар Кенгаши ҳатто махсус қарор ҳам қабул қилган эди. Бироқ шу пайтгача маблағдан дарак йўқ. Музейимиз давлат маъносига эга экан, шунга яраша иш қилиниши лозим. Минг афсуски, сўздан нарига ўтиланган.
Хуллас, ахвол мана шундай. Ҳўш, республика давлат санъат музейига ким ёрдам бериши мумкин? Агар шоянгина чора-тадбирлар кўрилмаса, кейин аттаг деб қолиш мумкин. Унда кеч бўлади.
Сўз ва суратлар С. ВЕЛИЧКИНИКИ (УчА).



